

МУСИҚА МАШҒУЛОТИ ВА ОММАВИЙ-МУСИҚИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ

**А.Қодирий номли Жиззах Давлат
педагогика институти Н.Ҳайдарова**

Инсон ҳаётида, унинг улғайиши ва шахс сифатида шаклланиб боришида муסיқий тарбиянинг роли биниҳоят катта бўлиб, у инсон туғилгандан, яъни, гўдаклик даврида айтиладиган она алласидан то умрининг охиригача кунларигача инсон билан ёнма-ён, шодлигу-хурсандчилик, қайғу-ғам, осойишта дамларини ҳам инсон муסיқа билан баҳам кўради, у билан дардлашади, сирлашади.

Муסיқани севувчи инсоннинг кўнгли эзгуликка мойил бўлади, яъни у жаҳолатга қарши самарали восита, ўткир қуролдир. У бор ердан ҳажолат қочади. У миллат танламайди, лекин миллий рух уйғотади.

Ривоят қилишларича қадим замонларда бир миллат подшоҳининг фарзанди йўқ экан. У ўзидан сўнг мамлакат тақдири қандай бўлишини уйлаб қайғураётган экан. Лекин унинг оқил ва доно вазири бор экан. Кунлар ўтиб шох вафот этибди. Вазир барча аёнларни йиғиб, шох вафот этган куни мамлакатда туғилган барча гўдакларни саройга олиб келишини буюрибди. Буйруқ бажарилгач барча гўдакларни саройдаги бир хонага ётқизибди. Аёнлар эса вазирнинг бу ишидан жуда ажабланишибди. Вазир машшоқларни тўплаб барча болалар йиғлагандан сўнг, бир хазин куй чалишни буюрибди. Аёнларга эса муסיқани тинглагандан сўнг биринчи бўлиб йиғидан тўхтаган болани аниқлабдилар. Вазир у гўдакни қўлига олиб, мана шу бола мамлакатга подшоҳ бўлишини айтибди. “Чунки-дебди вазир муסיқа садоларини ҳис қилган қалб ёмонликка мойил бўлмайди, бу боладан келажакда инсонларни севувчи, меҳр-мурруватли, адолатли подшоҳ этишади”. Гарчи бу ривоят бўлсада, ҳақиқатдан йироқ эмас, чунки у инсон кайфиятига кучли таъсир этади, уни кўтаради ва меҳр-муҳаббатга мойил қилади. Шундай экан мустақил юртимизнинг муносиб фуқаролари бўлмиш комил инсонларни тарбиялаб етиштириш учун муסיқий тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратиш, муסיқий таълим бериладиган ўқув даргоҳларида ушбу фан ўқитилиши учун керак шарт-шароитлар яратиш, мавжуд муаммоларни оқилона ҳал қилмоқ зарур.

Таълим тизимида ҳам муסיқий таълимни ушбу тизимни энг қуйи поғонаси бўлган мактабгача тарбия муассасалари фаолиятдан бошлаб кучайтирмоқ, бу йўлда учраётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилмоқ керак. Чунки, биз ҳам фарзандларимизнинг келажакда жаҳолатдан йироқ, маърифатли, фозил ва комил инсонлар бўлиб етилишини истаймиз. Шунинг учун уларни болаликдан муסיқасевар, адабиёт ва санъатнинг барча жабҳаларига ихлосманд, кенг фикр, ахлоқ-одобли, меҳр-оқибатли, бадий-эстетик дунёқараши юксак қилиб тарбиялашимиз ва шу ишни болалар боғчаларидан бошламоғимиз лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган оммавий-муסיкий тадбирларнинг бола шахси шаклланишидаги роли муסיқа маданияти машғулотларидан асло кам эмас. Чунки, ушбу муассасаларда олиб бориладиган тадбирларда муассаса педагог-ходимларининг ҳамда тарбияланувчиларнинг барчаси қатнашади. Бу эса болаларни жамоат жойларида ўзини яхши тутиш ва ўзининг яхши сифатларини кўрсатишга ўргатади. Бундай тадбирларнинг энг асосийси байрам эрталиклари бўлиб, у узок тайёргарлик ҳамда ташкилотчилик, пухта билим ва маҳорат талаб қилувчи тарбиявий аҳамиятга эга. Бу муассасаларда эрталиклар асосан мустақиллик куни (1-сентябр), янги йил, ватан ҳимоячилари куни (14-январ), хотин-қизлар куни (8-март), наврўз умумхалқ байрами (21-март), хотира куни (9-май) ва боғча билан хайрлашиш куни (1-июн болалар куни) га бағишлаб ўтказилади.

Болалар муассасаларида ўтказиладиган муסיкий тадбирлар ичида эрталиклардан ташқари туғилган кун, ота-оналар билан учрашув, викторина-корнавал, муסיкий сайрлар ўтказилиши мумкин. Бундай тадбирлар қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар болалар эмоционал ҳис-туйғуларини, ахлоқ сифатларини ақлий ва жисмоний камолотини яхшилашни амалга оширади ва бундай тадбирларда муסיқа асосий ролни ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий муסיкий тадбирлар орқали бўлажак баркамол авлодларимизни бадий-эстетик тарбиялаш таълим муассасаларида фаолият юритаётган муסיқа ўқитувчилари мактагача, мактабдан ташқари муассаса раҳбарлари, тарбиячиларининг муқаддас бурчларидан биридир.